

**ТЕОЛИНГВИСТИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА. А. ФРАНСНИНГ  
“ПИНГВИНГЛАР ОРОЛИ” АСАРИДАГИ “ХРИСТИАНЛИК”  
ТЕОНЕМАСИНИНГ ФРЕЙМ ТАҲЛИЛИ .**

Илмий раҳбар:

**ф.ф.н. Бобокалонов Р.Р.**

БухДУ магистранти (I-курс):

**Бекметова М.К.**

**Аннотация**

Ушбу мақолада диний ва лингвистик тадқиқотларнинг ўзаро муносабатлари натижасида пайдо бўлган теолингвистика бўйича маълумот берилган. А. Франсинг “Пингвинлар ороли” асаридаги “cristianisme” теонемасининг фрейм таҳлили берилган. Мақолада когнитив чоғиштирув, грамматик, лексико – семантик ва услубий компонентлик, концептуал ва фрейм таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** Теолингвистика, теонема, Ж.П. Ноппен, фрейм, А. Франс, christianisme, basilique, abbat, enfer, paradis.

**Аннотация**

В этой статье представлена информация о теолингвистике, которая возникла в результате взаимодействия между религиозными и лингвистическими исследованиями. Дается фреймовый анализ теонемы «cristianisme» взято из книги “остров пингвинов” Анатоля Франса. В статье использованы методы когнитивного сравнения, грамматической, лексико-семантической и методологической составляющей, концептуального и фреймового анализа.

**Ключевые слова:** Теолингвистика, теонема, Ж.П. Ноппен, фрейм, А. Франс, christianisme, basilique, abbat, enfer, paradis.

## ABSTRACT

This article provides information about theolinguistics that has emerged from the interaction between religious and linguistic studies. In this article given the frame analysis of the “cristianisme” from the book of "The island of penguins" which is written by A.France. The article uses methods of cognitive comparison, grammatical, lexical-semantic and methodological components, conceptual and frame analysis.

**Key words** : theolinguistics, theonema, J.P.Noppen, frame, A.France, christianisme, basilique, abbat, enfer, paradis.

Илм-фан ва дин ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида бевосита муҳим рол ўйнайди. Халқ ва жамиятнинг маънавий ютуққа эришишида диннинг ўрни беқиёсдир. Тилшунослик фани ҳам замонлар мобайнида ривожланди. Тадқиқ қилинган омиллар лингвистикани яхлит фан даражасида ўрганиш борасида мураккабликларни келтириб чиқарди. Асосан XX аснинг иккинчи ярмидан бошлаб бу мураккабликлар уни соҳаларга ажратиб ўрганишни тақозо қилди.

Тилшуносликнинг теолингвистика йўналиши ҳақида маълумот олмоқчи бўлган инсонлар ҳозирги кунда ахборот олиш ва унинг устида ишлашнинг енг кулай йўли ҳисобланган интернетга мурожаат қилиши табиий ҳолдир. Лекин айнан шу мавзуда ўзбек тилида маълумот топиш жуда мушкул, деярли учрамайди ҳам. Юртимиз аҳолисининг кўпчилиги хабардор бўлган рус ва инглиз тилларидаги маълумотларнинг аксарияти илмий мақолаларда ёки илмий манбаларнинг маълум бир қисмида қисқача ўрин олган.

Теолингвистика бошқа лингвистик фанларнинг номлари қатори у ҳам икки қисмдан иборат, “теология” ёки аксарият европа тилларига хос бўлган “тео-“ префикси ва “лингвистика” сўзларидан иборат. Ўз навбатида “тео-“ юнон тилидаги **theos** сўзидан олинган бўлиб, “**худо**” деган маънони англатиб, лингвистика еса тил ҳақидаги фанни билдиради. Демак, теолингвистикани

диний манбалар, таълимотлар, муқаддас китоблар ва уларга ёзилган тафсир ва изоҳларнинг лингвистик жиҳатдан ўзига хосликлари, услубияти ва фарқларини ўрганувчи, лингвистиканинг бир тармоғи десак ҳам бўлади. Бошқа манбаларнинг барчасида “**диний тилни ўрганиш**” тарзида берилган.

Аслида мазкур термин биринчи бўлиб бельгиялик лингвист Жан Пьер ван Ноппен томонидан 1981-йилда қўлланилган ва айнан у кўпчилик томонидан теолингвистиканинг “отаси” сифатида эътироф этилган. 1995-йилга келибгина англиялик лингвист Дэвид Кристал ўзи тузган энциклопедик луғатга лингвистик термин сифатида киритган. Ноппен ўзи биринчи бор ишлатган бу терминга маълум қизиқишлар доирасида инсоният тилининг ривожланиши, унинг барча ифода воситаларини ўз ичига қамраб олган, узоқ ва бой тарихга ега бўлган фан сифатида изоҳ берган. Бу инсон томонидан Худони англашнинг тил ва унинг бирликларини тадқиқ этиш воситасидаги сабъ-ҳаракатларнинг инъикосидир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, диний манбалардаги матнларнинг турлича талқин этилиши оқибатида динлар ичида турли тоифаларга бўлинишлар юз берди ва диний муассасалар бу масалага чуқурроқ ёндашиш кераклиги борасида бир тўхтама келдилар. Аввалида, диний манбаларнинг ўзига хос тили илоҳиётчилар ва файласуфларнинг у қадар эътиборини тортмаган. Диний дискурс ва унга боғлиқ масалалар борасида мунозара ва баҳсларнинг кўпайиб бориши натижасида лингвистлар, антропологлар, социолог ва психологлар ҳам муаммонинг ечимини топишга жалб этилганлар. Ж.П. Ноппеннинг таъкидлашича, “кейинчалик инқилоб дея баҳоланган диний тилга бўлган қизиқиш, диннинг фундаментал ва илоҳиётда кўп йиллардан бери давом этиб келаётган муаммоларга нафақат ижобий (бир тарафлама), балки жуда кўплаб самарали изланишлар олиб борилишига сабаб бўлди.”

Лингвистиканинг мазкур соҳаси бўйича тадқиқот олиб бормоқчи бўлган ҳар қандай мутахассис А. К. Гадамскийнинг ҳам бу борада қилган салмоқли ишларига мурожаат этмасдан иложи йўқ. Ҳаттоки, баъзилар уни Россия

Федерациясида теолингвистиканинг асосчиси сифатида тан оладилар, унинг амалга оширган катта кўламдаги ишлари рус теолингвистикасининг ривож топишида асосий рол ўйнаган. Унинг фикрига кўра теолингвистика “дин ва тилнинг ўзаро муносабати натижасида пайдо бўлган, тилларда акс этган диний сўз ва терминлар ва уларнинг кенг ва тор доирадаги маъноларини ўрганувчи фан”дир. Бироқ, унинг аввалроқ чоп этилган мақолаларида терминга бироз бошқачароқ изоҳ берилган. Теолингвистика бу дин ва тилнинг ўзаро кесишиши натижасида пайдо бўлган, диннинг тилда ўз аксини топган ва унинг намоён бўлишини тадқиқ этувчи фан эканлиги таъкидланган. Бундан келиб чиқадики, Гадомскийнинг теолингвистикага берган таърифи ўзгариб бормаган, балки унинг кенгроқ тушунча эканлиги туфайли ўз фикрини тўлдириб изохлаб борган.

В.И Постобалованинг фикрига кўра инсон борлигининг (ижтимоий ҳаёт) ажралмас қисми бўлган дунёни англаш, маданият ва дин каби фундаментал жабҳалари билан биргаликда комплекс ўрганилиши натижасида “синтетик” фанлар юзага келади. Хозирги кунда тилшуносликда жадаллик билан ривожланаётган социолингвистика, этнолингвистика, лингвокултурология, психолингвистика, когнитив лингвистика ва айнан маълум шахсларнинг ўзига хос тилини ўрганувчи лингвоперсонология йўналишлари юқоридаги фикрга мисол бўлади.

Лисоний фаолият когнитив таҳлил назариясининг таянч тушунчалари бўлган ахборотни жамлаш ва қайта ишлаш, билим захираси, когнитив қолип, концептуал тизим кабилардир. Ушбу тушунчалар ўзаро муносабатда, зеро, улардан бири амалга ошиши учун иккинчиси шаклланган бўлиши керак. Дарҳақиқат, билимни жамлаш ва сақлаш учун ўзлаштирилган билим когнитив қолипга биноан ихчамлаштирилиши зарур. Когнитив қолиплар (концепт, образ) бўйича билимни ихчамлаштириш учун шу концептуал тизим бирликлари (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт кабилар) тусини олмоғи даркор.

Фрейм тахлилга мурожаат қилар эканмиз, профессор М.М. Жўраеванинг тадқиқотларидан намуналар келтиришни маъқул кўрдик :”Фрейм инглизча «frame» сўздан олинган бўлиб, «каркас» ёки «рамка» деган маъноларни англатади. Бу атамани биринчи бўлиб фанга 1974 йилда, сунъий интеллект муаммолари ҳамда компьютерда билимларни намоёни этиш усулларини тадқиқ қилган америкалик олим М.Минскийдир. Ушбу атама сунъий интеллектни моделлаштириш жараёнини тасвирлашда фойдаланишни давом эттириб, ўз ўрнини когнитив тилишуносликда топди десак, муболага бўлмайди. Ч.Филлмор «фрейм» тажрибани андозага солувчи когнитив тузилма бўлиб, лисоний бирликлар воситасида шаклланишини айтади: «Фрейм – концептнинг негизини ташкил қилади». Н.В.Волосухина концепт ва фрейм орасидаги ўзаро муносабатни таҳлил қилади: «Фрейм –когнитив модел бўлиб, концептнинг скелетидир»,

Ш.Сафаровнинг

ўзбек

тилишунослигида «фрейм» атамаси ҳақидаги назарий қараишлари алоҳида аҳамият касб этади: «Ҳар бир шахс онгида «фреймлар тўри тўплами» мавжудки, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андоза»лар асосида амалга ошишини таъминлайди». Фреймнинг табиати ва унинг асосий белгилари ҳақида билдирилган жаҳон ва ўзбек тилишунослигидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, турли тадқиқотларда мазкур тушунчага берилган таърифлар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бири иккинчисини тўлдиради ва бир-бирини тақазо этади.”


Анатол Франс (асл исм шарифи Анатол Франсуа Тибо) 1844 йилда Парижда туғилиб, 1924 вафот этган. Буюк Франсуз ёзувчиси, Франция академияси аъзоси ҳамда адабий танкидчи бўлган А. Франс “Худолар ҳоҳиши”, “Вальтазар”, “Пингвинлар ороли” каби кўплаб дунёга машҳур асарлар муаллифи ҳамдир. 1921 йилда Нобель мукофоти сазовор бўлган.

“Пингвинлар ороли ” асрида А. Франс Пингвиниянинг асрлар давомидаги тарихини хроника кўринишида ҳикоя қилади. Унинг гаплари

кинояга тўла, ҳеч нарсани ҳурмат қилмайди ва ҳамма нарсани, айниқса давлат муассасаларини ва черковни масхара қилади. Яширинча, у Франция тарихини пародия версиясини тақдим этади

“Пингвинлар ороли”да,узоқни кўра олмайдиган Abbat Mael,пингвинларни одамлар билан адаштириб,уларни сувга чўмдирди,бу эса осмонда ва ерда кўп қийинчиликларни келтириб чиқарди.Кейинчалик, Франция ўзининг та’рифлаб бўлмайдиган сатирик услубида хусусий мулк ва давлатнинг пайдо бўлиши, биринчи қироллик сулоласининг пайдо бўлиши,Ўрта асрлар ва Уйғониш даврини тасвирлайди. Китобнинг катта қисми Франциядаги замонавий воқеаларга бағишланган: Ж. Буланженинг давлат тўнтаришига уриниши, Дрейфус иши, Валдек –Руссо кабинетининг урф-одатлари. Охир-оқибат келажакнинг маънос прогнози берилган: молиявий монополияларнинг кучи ва цивилизацияни йўқ қиладиган ядровий терроризм. Шундан сўнг жамият қайта туғилади ва аста секин ўша пингвин (инсон) табиатини ўзгартириш бефойда эканлигини кўрсатади.

Мақолада асардаги “христианлик”( christianisme) теонемаси фреймининг ифодаланишини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.



Le noyau-Adam, Eve, Jesus-Christ, Marie; Evangile, Bible, Dieu, Seigneur, Ciel, Vérité, Créateur, bateme, paque, hostie, sacerdoce, Paradis, Enfer, Diable, epiphanie, la fete de Noel; ange; archange; la Trinité: le Père, le Fils, le Saint-Esprit, peche, bienfait, remission, salut, prophète.

La peripherie-evêque, abbat, cloitre, clerc, confesseur, pretre, apotre, pontife, archeveque, pape, eglise, basilique, chapelle, moustier, monastère, couvent, confession, messe; vin, hostie, concile, conciliabule, bréviaire, se prosterner, prier, superstition, impété, les cantiques, les psaumes, innocence, processions, providence, créance, reconfort, méditation, chœur, miracle, dévot, pèlerin, pieux, croyant, sanctuaire, la miséricorde divine, les Gentilles, les Paiens, incrédule, révérend.

Биз Анатол Франсинг “Пингвинлар ороли” асаридаги «христианлик» фрейми доирасига кирувчи сўзларни икки: кучли ва кучсиз гуруҳга ажратдик. Юқорида кўрилган масалалардан хулоса шуки, теолингвистика фанининг ҳали очилмаган қирралари жуда кўп. Бу мавзуга купроқ муурожаат қилган ҳолда, тилшуносликнинг бу соҳасини чуқур ўрганиб, кейинги авлодга янада аниқроқ маълумотлар қолдиришимиз зарур.

#### Адабиётлар :

1. Бобокалонов. Р.Р, “Semantique et formation des mots “ Тошкент-2021.
2. Бобокалонов. Р.Р, “lexicologie française “ Тошкент-2021.
3. BOBOKALONOV, Ramazon Rajabovich. La linguistique textuelle. Manuel du français. Boukhara -Tachkent – 2022. Ouzbékistan
4. **Ramazon Rajabovich Bobokalonov, Po‘lotshoh Ramazonovich Bobokalonov.**  
*Introduction à la linguistique (la première année, au bac de l’Université)*  
(Tilshunoslikka kirish. O’quv qo‘llanma), Boukhara- 2022, Ouzbékistan.

5. Гадомский А.К. Религиозный язык-теолингвистика-языкознание//Ученые запискиТаврического национального университета-Филология. Том 20(59)-Симферополь:ТНУ,2007.с.287-292

6. **ЖЎРАЕВА М. М.**  
**“ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА МОДАЛЛИК**  
**КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ,**  
**МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ”**  
**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма**  
**тилшунослик ва таржимашунослик**  
**(филология фанлари)**  
**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**  
**Тошкент – 2017 йил.**

7. Постовалова В.И. Теолингвистика в современном гуманитарном познании: истоки, основные идеи и направления. Научно-педагогический журнал Восточной Сибири Magister Dixit. 2012. с.56-103

8. van Noppen J.-P. (red.), Theolinguistics (= Studiereeks Tijdschnft VUB, Nieuwe Serie Nr.8). VUB, Brussel 1981, s. 1

9. Сафаров. Ш.С, Когнитив тилшунослик, Жиззах-2006.